



Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

2004-йил, 30-йул, 31 (620)-сон

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

✓ Қисқа муддатли дам олишда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримов Ялтада амалий таширф билан Украинага келган Россия Федерацияси Президент Владимир Путин билан учрашди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини ислоҳ қилишда кўмаклашишга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

✓ Матбуотда «Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори эълон қилинди.

✓ Мамлакатимизга таширф буюрган АҚШ куролли кучлари марказий кўмондонлиги бош кўмондони, генерал Жон Абизайд Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликда бўлди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Солиқ Сафоев билан ҳам Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда умумий юрисдикция судларининг 2004 йилнинг биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти яқунлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 29-30 март ва 1 апрел кунлари Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида терроризм ва кўпурчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан суд жараёни бошланди. Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.

Очиқ кўрилаётган суд мажлисида 30 нафардан зиёд хоризжий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2004 йил биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди. «2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва соҳада устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида» Агентлик Бош директорининг ўринбосари Х.Мирзоҳидов маъруза қилиб, алоқа корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар хусусида маълумот берди.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯҚУНЛАНДИ



Маърузада айтилишича, ўтган давр мобайнида алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича ижобий натижаларга эришилди. Жорий йилнинг

биринчи ярим йиллигида барча турдаги алоқа корхоналари томонидан 105,8 млрд. сўмлик даромад олинди, шу жумладан аҳолига 46,0 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари сони 4,5

фоизга, хат жўнатмалари ҳажми биринчи ярми иш яқунлари кўриб чиқилиб, бажарилган ишлар қониқарли дея баҳоланди.

Шу билан бирга, корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юқори даражада қолаётгани ташвишли ҳолдир. Соҳанинг учта корхонаси

— Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази, «Тошкент таксофони» ҳамда «Ўзмаком» ҚКлари ярим йилликни молиявий зарар билан яқунлашди. «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказида иш ҳақи бўйича қарздорлик мавжуд.

Хисобот даврида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган асосий режа-жадваллар бўйича 142та ҳамда режадан ташқари 13та текшириш ўтказилди. Текшириш натижаларига асосан Давлат алоқа инспекцияси ва унинг таркибий бўлималари томонидан 115 нафар мансабдор шахсларга нисбатан жами 1496,0 миң сўм миқдоридида маъмурий жавобгарлик қўлланган. Корхоналарга келиб тушаётган шикоятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36 фоиз, жумладан, почта алоқаси бўйича 64,7 фоиз, электр алоқаси тармоғида 37,3 фоизга ўсган.

Лицензия комиссиясининг 19 мартта йиғилишлари ўтказилиб, уларда 412 лицензия фаолияти бўйича масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Ўзбектелеком» АКни хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ҳозирги давмда шикорат молиявий институтлар томонидан олиб борилаётган техник ҳамкорлик дастурлари амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ ҳамда АҚШ Савдо ва тараққиёт агентлигининг (USTDA) Евроосий бўйича минтақавий директори Д.Штайн қиймати 503 миң АҚШ долларига тенг грант шартномасини имзолади. Шартнома давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий қилиш режасини ишлаб чиқишга қаратилган.

Имзоланган ушбу ҳужжат Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил, 30 майдаги «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлардан дарак беради. Йирик хоризжий компютер ва ахборот компаниялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳам Фармонда белгиланган устувор вазифалар қаторига киради.

Узаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари иқтисодий ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологиялари, компютер техникаси ва телекоммуникация во-

АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ГРАНТЛАР

ситаларини оммавий татбиқ этиш ва фойдаланиш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шароит яратишга ёрдам бериши лозим. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва USTDAнинг ҳамкорлиги ҳам ана шу вазифаларга хизмат қилмоқда.

Тузилган шартномадан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукуматни (e-Government), жумладан, электрон солиқ солиш бўйича тажриба лойиҳасини жорий қилиш режасини тайёрлашдир. Бу борада стратегик вазифалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларда қўйилган мақсадларга эришиш шартлари қайд этилган. Ушбу стратегик вазифаларда Ўзбекистонда e-Government учун мавжуд база инфратузилмасини, ушбу масала бўйича давлат устуворликларини баҳолаш, донор ташкилотлар вакиллари билан музокаралар ўтказиш кўзда тутилган. Электрон ҳукумат стратегиясининг назорат йўналишлари ва бунинг учун бошқа мамлакатлар мисолида му-

хит яратиш Ўзбекистонда маҳаллий шароит ва юзага келган вазиятни ҳисобга олиш имконини беради. Шунингдек, бу борада чет эллик мутахассислар иштирокида семинарлар ўтказиш ҳам назарда тутилган.

Тузилган грант шартномасини 18 ойда амалга ошириш мўлжалланган. Ушбу шартнома бўйича ишлар энди бошланаётган бўлса, USTDA билан аввалги шартномалар деярли нихоясига етмоқда. 2001 йилнинг охирида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан имзоланган меморандумда 431 миң АҚШ долларига тенг «Почта алоқасини модернизация қилиш» лойиҳаси ва 187 миң АҚШ доллари миқдоридида «Телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида хотин-қизларни тайёрлаш маркази» лойиҳаси бўйича техник иқтисодий асосни ишлаб чиқишни молиялаш кўзда тутилган эди.

(Давоми 2-бетда.)

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

"Ўздунробита" ҚК ва "Алоқавест" АЖ тўлиқ хусусийлаштирилди. "Гранит" унитар корхонасини давлат тасарруфидан чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ривожлантириш ва замонавийлаштириш лойиҳасини амалга ошириш маълумотлар узатиш ҳамда Интернет тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Ҳозирги кунда мазкур лойиҳага асосан Тошкент шаҳрида — 18та, 12та вилоят ва 132та туман марказларида жами 162та маълумотлар узатиш тармоқлари ишга туширилди.

Рақобатчилик муҳитининг ривожланиши билан Интернет хизматини кўрсатаётган оператор ва провайдерлар сони ошиб бормоқда. Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига кўра Интернет тармоғига уланish хизматини кўрсатадиган ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 416тани ташкил этди. Маълумотлар узатиш тармоқларидаги портларнинг умумий сони 8148тадан иборат бўлди.

Республикамизда Интернетдан фойдаланувчилар сони

биринчи ярим йиллик якунида 568 мингтани ташкил этди. "ЎзИнфоКом" маркази томонидан жаҳон ҳамда мамлакатимиз алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рўй бераётган асосий воқеаларни ёритувчи бепул электрон ахборот дай-жестлар тарқатилмоқда.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан биргаликда аҳолини компютер воситаларида ишлашга ўргатиш бўйича теледастур тайёрланмоқда. Бундан ташқари, ҳисобот даврида алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларини оммалаштиришга йўналтирилган бир қатор семинар ва конференциялар ўтказилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йилида бешта ҳолат бўйича 30,1 млн. сўмлик ўтказма пенсия суммаларининг ўғирланиши ва ўзлаштирилишига йўл қўйилган.

Шунингдек, маърузачи соҳада бажарилган бошқа масалалар, келгуси режалар ва ишлар хусусида сўз юритди.

Мажлисда Агентлик Бош директори ўринбосари А.Избосанов 2004 йилги инвестицион

лойиҳанинг бажарилиши ҳамда 2004-2005 йиллардаги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш Агентликда қандай бажарилаётгани ва бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов биринчи ярим йилликда компанияда қилинган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ва "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори Р.Зикиров Вазирлар Маҳкамасининг "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни тақомиллаштириш тўғрисида"ги қароридан белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича ахборотлар беришди.

Ҳайъат ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплекси котибиятининг мудирини Ф.Зияев қатнашди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И.АХМЕДОВ

АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ГРАНТЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Грант маблағлари ўзлаштирилди. Техник иқтисодий асос ишлаб чиқилгандан сўнг республика почта алоқасини модернизация қилиш бўйича инвесторларни жалб қилиш ишлари бошланади. Бу лойиҳанинг қиймати 31 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Республика почта алоқасини ривожлантириш дастури замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга асосланган.

Шунингдек, Американинг Telekom/Telematic Inc компанияси ва Тошкент ахборот технологиялари университети иштирок этган иккинчи грант шартномаси маблағлари ҳам ўзлаштирилди. Техник иқтисодий асосни ишлаб чиқишда концептуал тузилмани ривожлантириш, таълим унсурларини амалга ошириш, бўлажак стратегик ҳамкорлар ва молиялаш манбаларини аниқлаш, беш йиллик бизнес-режани тайёрлашни ўз ичига олган бешта вазифа режалаштирилган эди.

Бу борада "Sun Microsystems" компаниясини жалб қилишга эришилди. Компания университети эҳтиёжлари учун 54000 долларлик компютер асбоб-ускуналари ва дастурий таъминоти

топширди. Ҳозир техник иқтисодий асосга мувофиқ қабул қилинган қиймати 2 миллион 710 АҚШ долларига тенг "Телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида хотин-қизларни тайёрлаш маркази" лойиҳасини амалга ошириш учун шартномаларни топши ишлари олиб борилмоқда.

Техник иқтисодий асосни ишлаб чиқиш ишлари ноҳиясига етганига қарамай, энг сўнгги грант шартномаси бўйича ишлар давом этмоқда. Ушбу ишлар Президентимизнинг 2004 йил, 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида амалга оширилмоқда. Фармонда хотин-қизларни мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий тўғ узга ришларга фаол жалб қилиш зарурлиги қайд этилган. Шу боис Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурда ташкил этилаётган телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида хотин-қизларни тайёрлаш маркази ахборот-телекоммуникация тармоғида ҳақиқий мактабга айланади.

ЎЗА

Шу ҳафта Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Директорлар Кенгашининг йиғилиши ўтказилди. "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов раислигида ўтказилган мазкур йиғилиш компаниянинг 2004 йил биринчи ярим йиллик иш якунлари ҳамда тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги масалаларга бағишланди. Ушбу масалалар юзасидан компания бош директори маъруза қилди.

Маълумки, "Ўзбектелеком" АК мамлакатимизда телекоммуникация хизмати кўрсатувчи энг йirik ташкилот ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимизда компаниянинг 20га яқин филиаллари фаолият юритади. Бундан ташқари, республикамиз алоқа соҳасидаги қатор қўшма корхоналар устас жамғармасида "Ўзбектелеком" АКнинг улуши мавжуд.

Маълумотларга таянадиган бўлсак, компания биринчи ярим йилликда кўрсатилган хизматлар бўйича (кўйилган қиймат солиғи билан) жами 57,4 млрд. сўм даромад олган ва режа 115 фоизга бажарилган. Аҳолига алоқа хизмати кўрсатишдан олинган даромад эса 19,4 млрд. сўмни ёки умумий даромаднинг 33,8 фоизини ташкил этиб бу борада режа 108 фоизга уддаланган.

2004 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида ахборот хизмат турларини кўрсатишда 2003 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш кузатишган. Жумладан, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси бўйича хизмат кўрсатишдан 43,2 млрд. сўм (2003 йилнинг шу даврига нисбатан 144 фоиз), шаҳар ва қишлоқ телефон алоқасидан 13,1 млрд. сўм (131 фоиз), телеграф алоқаси бўйича 396 млн. сўм (116 фоиз), телевидение ва радиозастиришлари қабул қилиш бўйича 459 млн. сўм (146 фоиз) даромад олинган. Бироқ, нисбатан янги хизмат тури — Интернет ва маълумотларни узатиш хизмати бўйича биринчи ярим йиллик учун мўлжалланган натижага эришилмаган (89 фоиз). Шу ўринда базис филиаллар томонидан даромад режаларини бажаришда сустхаликка йўл қўйилганини ҳам таъкидлаш лозим. Мисол учун, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси бўйича хизмат кўрсатиш "Қорақалпоқ Телеком" филиалида 98,7 фоиз, шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси бўйича режа "Тошкент Телеком" филиалида 92,7, "Жиззах Телеком" филиалида 83,6, "Самарқанд Телеком" филиалида 75,5 фоизга, Интернет ва маълумотларни узатиш хизмати бўйича режа "Бухоро Телеком" филиалида 92,8, "Фарғона Телеком" филиалида 91,6, "ЎзНет" филиалида 83,5 фоизга уддаланган ҳолда "Хоразм Телеком"



Ўзбектелеком АК — НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ

ва "Тошкент Телеком" филиалларида борйўғи 56,2 ва 38 фоизга бажарилган, холос. Умуман олганда, ярим йилликни компаниянинг барча филиаллари фойда билан якунлашган. "UzNet" филиалидаги иқтисодий но-чор аҳолини бартараф этиш мақсадида йилнинг иккинчи чорага "Интал Телеком" мазкур филиал билан бирлаштирилди. Ўтган ярим йиллик мобайнида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сони 87,6 млн.тани ҳамда телеграммалар сони 347 минг донани ташкил этди. Буни ўтган йилгига таққослайдиган бўлсак, сўзлашувлар сони 4,9 фоизга ортган ҳолда телеграммалар сони 17,4 фоизга камайгани маълум бўлади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар қарама-қарсидан, компания тизимидagi қорхона ва филиалларда дебиторлик қарзлар 1,3 млрд. сўмга, яъни 25 фоизга ўсиши кузатишган. Йил бошига нисбатан дебитор қарздорлик "Фарғона Телеком", "Андижон Телеком", "Қорақалпоқ Телеком", "Сирдарё Телеком", "ЎЗИ-Қарши", "Навоий Телеком" ва "Хоразм Телеком" филиалларида ўсишига йўл қўйилган. Дебитор қарздорликларни ундириш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ДАК билан ҳамкорликда бир қатор ишлар олиб борилди.

Компания бўйича кредиторлик қарзларини умумий қўрсаткичи эса 3,1 млрд. сўмга тенг бўлиб, 2,4 млрд. сўм филиаллар ҳисобига тўғри келади. Бу қўрсаткич йил бошига таққосланганда 41,9 млн. сўмга еки 2 фоизга ошган.

Ҳисобот даврида "Ўзбектелеком" АК қор-

хоналари томонидан маҳаллий телефон тармоғи асосий телефон аппаратлари сони 13,1 мингтага ўсишига ва режа 116 фоизга бажарилишига эришилган. Рақамли АТСларда қўшимча хизмат кўрсатиш турларидан фойдаланаётган абонентлар сони 20,7 мингтага ошиб, ярим йиллик якунида уларнинг сони жами 169,9 мингтани ташкил этди. Қўшимча хизмат кўрсатишдан ярим йиллик давомида 150,5 млн. сўм даромад олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2004 йил Ўзбекистон Республикаси сармоя дастури тўғрисида"ги қарорини бажариш ҳамда 10 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги хоризжий сармояларни тўғридан-тўғри жалб қилиш бўйича "Ўзбектелеком" ва "NCI Project International. Inc" компаниялари томонидан устас жамғармаси 14,3 млн. АҚШ доллари ("Ўзбектелеком" АК улуши 30 фоиз, "NCI Project International. Inc" улуши 70 фоиз)ни ташкил этган "Телеком Инк" қўшма корхонаси тузилди.

Хукумат Қарорлари ва Агентликнинг тегишли буйруқларини бажариш борасида компания ва унинг таркибига кирувчи қорхоналар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун шартнолар яратиб бўйича бирмунча ишларни амалга оширди. Жумладан, АТСларнинг фойдаланишида бўлмаган сигимлар ижарага берилиши натижасида қўллаб-таққослов ва сўзлашув шахобчалари ташкил этилди. Қишлоқ телефон тармоғида ҳам кичик сигимли 24та қишлоқ телефон станцияси ижарага берилди. Соҳада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида 388та тадбиркор жалб қилинди. Ижарачилар томо-

нидан умумий қўшимча 557,5 млн.сўм даромад олинди.

"Наманган шаҳар телефон тармоғини қайта қуриш" лойиҳаси бўйича умумий 9645 сизимга эга бўлган аналог АТСлар рақамлига алмаштирилиб, тўртта концентраторлар ўрнатилди, 42,7 км. оптик-тоғали кабеллар ёпиқилди ва 12та комплект рақамли узатиш тизимлари ўрнатилиб, SDH технологияси қурилмаси асосида транспорт халқаси бунёд этилди.

Қоридagi ишлар қаторида "Самарқанд вилоятининг Ургут тумани телекоммуникация тармоғини қайта қуриш" лойиҳаси амалга оширилди. Ургут шаҳри АТС тақомиллаштирилди ва ривожлантирилди, учта аҳоли пунктларида концентраторлар ўрнатилиб, ҳозирги кунда синодан ўтказилмоқда.

Шу ўринда "Халқаро пакет коммутиция

маркази"нинг ишга туширилгани ва маълумотлар узатиш бўйича ташқи канал қўшимча 10 Мбит.сек.га кенгайтирилгани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шу марказнинг маълумотлар узатиш бўйича ташқи канали бугунги кунда 14 Мбит.сек.ни ташкил этади.

Айни пайтда "Ўзбектелеком" АК томонидан маълумотлар узатиш бўйича 34 Мбит.сек. қўшимча канални ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда. Бу Интернет тармоғига барқарор боғланишни таъминлаб, истеъмолчиларга бутунжаҳон тармоғига чиқиш имкониятларини янада оширади.

Ўтган ярим йиллик иш даврида компания томонидан VoIP хизмати тармоғини кенгайтириш бўйича ишлар жадал олиб борилиб, унинг негизда халқаро пакет телефони маркази ташкил этилди. Компания томонидан каналлар ҳажми кенгайтирилиши, қарточка тизими орқали хизматлар турини янада кенгрок тақдим этиш шартноларини яратилмоқда.

Компания "Мехр ва муруват йили" Давлат дастури негизда бир қатор иқтисодий тадбирларни амалга оширди. Жумладан, соҳада меҳнат қилиб, нафақага чиққан ходимлар, кўп болали, кам таъминланган oilалар сони аниқланиб, уларга жами 10,5 млн. сўм микдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Директорлар Кенгаши йилнинг кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорларни қабул қилди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

С. НАСЛЕДОВ олган сурат.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳаларда бўлгани каби алоқа соҳасида ҳам янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш ва мавжудларини қайта қўриш ҳамда уларни халқроқ меъёрлар ва стандартларга мувофиқлаштиришга зарурат туғилди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири қарори билан 1992 йили Илмий-тадқиқот маркази (ИТМ) ташкил этилди. Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва борларини қайта ишлаш, алоқа соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ускуналарни сертификатлаштириш, метрология ишларини амалга ошириш сингари вазифалар белги-ланган эди. 1995 йили ушбу марказ қошида Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш органи, 1996 йилда эса Сертификатлаштириш синаш маркази ташкил қилинди ва белгиланган тартибда давлат органида аккредитациядан ўтди.



Марказ фаолиятига бир назар

Давр тақозосига кўра, 1997 йили Илмий-тадқиқот маркази Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказига айлантирилиб, унинг фаолияти янада кенгайди. Айни пайтда марказ телекоммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенцияси, телекоммуникация тармоқларини бошқариш, ахборот хавфсизлиги, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, маркетинг тадқиқотлари, тариф сиёсати, ахборот технологиялари ва хизматларини ривожлантириш, радиоалоқа, электромагнит мослашув, почта алоқаси, криптография ва криптоанализ, менежмент ва мониторинг, сифат тизими, дастурий таъминот ишлаб чиқиш, атама ҳамда лўғатлар ва бошқа устувор йўналишларни янада юқори поғонага кўтариш бўйича амалий ҳаракатлар олиб бормоқда. Бу ерда 200га яқин ходимлар меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Ўтган йили 21 нафар ходим ҳар хил йўналишдаги ўқув марказларига (уч нафари хорижга) ўқиш, малака ошириш ва тажриба алмаштишга юборилди.

Марказ жамоаси "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Почта алоқаси тўғрисида", "Радиочастоталар спектри тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун лойиҳаларини, шунингдек, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий қилиш, электрон тижоратни ривожлантириш Миллий дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқди ва ишлаб чиқишда иштирок этди. Соҳанинг долзарб масалалари бўйича қўлбал концепциялар Марказ томонидан яратилди.

Марказ ҳужжатлар яратиш, илмий ишлардан ташқари ўтган вақт мобайнида Фарғона, Сирдарё, Бухоро, Андижон ва Тошкент вилоятлари телекоммуникация тармоқларини замонавийлаштириш ва

лат тилига таржима қилиш учун махсус бўлим очилди.

Соҳа атамаларини давлат тилида жорий қилиш мақсадида 2002 йилнинг август ойида махсус Атама ва лўғатлар хизмати ташкил этилди. Мазкур хизматда "Телекоммуникацияларга оид қисқача русча-ўзбекча лўғат" ҳамда "Метрологияга оид атамаларнинг изоҳли лўғати" тузилди. Шу кунларда телефон, телеграф алоқаси, маълумотларни узатиш, асинхрон узатиш тизими, ахборот хавфсизлиги, электрон ҳужжатлар айланиши, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизимлари ҳамда радио соҳасига оид атама ва лўғатлар бўйича ишлар олиб бориляпти.

1996 йилдан 2003 йилгача Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ХСТ)нинг ISO-9000 халқаро стандартлари асосидаги сифат бошқаруви тизимининг соҳада жорий қилинишини ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида корхоналарнинг стандартлаштириш ишларига яқиндан ёрдам бериш, уларнинг бу борадаги фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида 1997 йили Стандартлаштириш таянч ташкилоти (СТТ) ташкил этилди. Ушбу ташкилот,

Республикамиз давлат кадастрлар ягона тизимини яратиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш бўйича қарори чиққан эди. Ушбу қарор асосида Агентликнинг буйруғи билан Марказда Кадастр хизмати ташкил этилди. Кадастр хизмати алоқа объектлари давлат кадастрини ташкил этиш ва олиб бориш, кадастр бўйича ахборотни Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрларининг ягона тизимига узатиш, алоқа объектлари кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш ва бошқа вазифаларни бажаради. Ҳозирги пайтда мазкур Кадастр хизмати алоқа объектларини, давлат кадастрларининг субъект ва объектларини кўчмас мулк кадастри ва ер кадастри рўйхатидан ўтказиш ҳақида маълумотлар тўпламоқда, шунингдек, кадастр хизматида замонавий геоахборотлар тизимининг дастурий таъминотини тайёрлаш ва амалга қилиш ишларини олиб бормоқда.

Яна бир асосий йўналишлардан — ахборот хавфсизлиги бўлими дастлаб лаборатория сифатида иш бошлаган эди. Мазкур бўлим ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларини ва меъёрий ҳужжатларни яратиш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

Метрология бўйича ишлар устидан илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш учун Марказ қошида 1997 йилдан Асос метрология хизмати фаолият кўрсатмоқда. Шу кунга қадар тармоқда метрологик таъминот бўйича 18та меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Марказ соҳа корхоналарига ушбу йўналишлар бўйича барча хизматларни кўрсатиш имконига эгадир.

Бугунги кунда радиоэлектрон воситаларининг жадал ривожланиши радиоэлектрон воситаларининг электромагнит мослашуви муаммосига катта аҳамият беришни тақозо этмоқда. Шу боис 2000 йили марказ қошида Электромагнит мослашуви таҳлил қилиш хизмати (ЭММТХ) ташкил қилинди.

Энергияни тежаш ва тикланувчи энергия манбалари илмий-тадқиқот бўлимининг асосий вазифалари телекоммуникация соҳасида энергия сарфлаш ҳолатини ўрганиш, объектларда энергия таъминотини тежаш бўйича

тавсияномалар ишлаб чиқиш, унинг иқтисодий самарадорлиги бўйича маълумотлар тайёрлаш хисобланади. Айни пайтда Германиянинг ProCon фирмаси билан гибрид қуёш-шамол қурилмасини мамлакатимизда қуриш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Шунингдек, корхонада 1999 йили Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси бўлими ташкил этилди. Бўлим телекоммуникация, радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение объектларини қуриш, қайта қуриш ва замонавийлаштириш бўйича лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ишларини амалга оширади.

Марказнинг 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Алоқаинформ» бўлими томонидан ойлик ахборотнома тайёрланиб, чоп этилади. Мазкур «Ахборотнома»да соҳага дахлдор Президент Фармонлари, Хукумат қарорлари,

сўзьялари мослигини текширишни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда ТТВ ССМ замонавий синов ускуналари ва ўлчов воситаларига эга. Бу эса сертификатлаштириш синаш ишларини бир вақтнинг ўзига тест ҳисобларига эга бўлган ҳолда автоматик режимида ўтказишга имкон беради. Синов ишлари миллий ва халқаро стандартлардан иборат бўлган (миллий сертификация тизими, ИТУ ва ETSI меъёрий ҳужжатлари) маълумотлар базасидан фойдаланилган ҳолда ўтказилади. Маълумотлар базасидан фойдаланиш телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш миллий ва халқаро талаблар асосида ўтказишни таъминлайди.

ТТВ ССМнинг ҳозирги қудамги асосий вазифаларидан бири Марказни илгор илмий даргоҳ ва синов маркази сифатида жаҳонга танитишдир.



Агентлик буйруқлари ва фармойишлари, айрим меъёрий ҳужжатлар ҳамда соҳа янгилликлари, бундан ташқари, лицензиялар, телекоммуникация техник воситаларига берилган мувофиқлик сертификатлари рўйхати бериб борилади. Ҳозирги вақтда ушбу «Ахборотнома»дан республикамиздаги 80дан ортқ корхона, ташкилот, акциядорлик жамиятлари ва компаниялари ҳамда турли фирмалар фойдаланишмоқда.

1998 йили ташкил этилган Сифат тизими бўлими ўз фаолияти давомида 9000 серияли Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ХСТ) стандартларини жорий этишни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича таянч корхоналарнинг мутахассислари учун сифат менежмент тизимининг тематикаси ва сифат менежерларини тайёрлаш бўйича бир қатор ўқитиш ишларини олиб борди. Бўлим ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмий-тадқиқот ишлари натижаларини жорий қилиш билан шуғулланди. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали ходимлари учун 9000 серияли ХСТ стандартлари сифат менежмент тизимини (СМТ) ишлаб чиқиш ва уни амалга киритиш билан боғлиқ ташкилий масалалари бўйича маслаҳатларини амалга оширди.

Марказ қошида Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш синаш маркази (ТТВ ССМ) фаолият олиб бормоқда. Сертификатлаштириш синаш марказининг аккредитация доираси хавфсизлик ва электромагнит мослашув синовлари ҳамда рақамли коммуция тизимларининг барча турларини, рақамли узатиш тизимларини, радиотехника воситаларини ва абонент терминал қурилмаларининг функционал ҳу-

Марказ Халқаро майдонда ҳам фаол иштирок этмоқда, у Россиянинг ЦНИИС, ЛОНИИС, Украинанинг УНИИС каби ташкилотлари билан илмий алоқалар ўрнатган. Марказ иштирокида Тошкентда бир қанча халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилди, унинг ходимлари хорижда ўтказилган семинар, конференция ва бошқа анжуманларда иштирок этишмоқда.

Яқин кунларда ФТМТМнинг Европа телекоммуникацияларни стандартлаштириш институти (ЕТСИ)га уюшган аъзо ва Россиянинг «Ассоциация документальной электросвязи» ташкилотига аъзо сифатида қабул қилиниши кутилмоқда.

ФТМТМда ёш мутахассислар билан бирга тажрибали ходимлар ҳам фаолият кўрсатиб келади. Марказда 5 нафар «Моҳир алоқачи» унвонига сазовор бўлган ходимлар хизмат қилади. Бундан ташқари икки нафар фан доктори ва ўнга яқин фан номзодлари илмий йўналишларни янада кенгроқ ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшишмоқда.

Соҳа мутахассислари орасида катта обрў қозонган Р.Исаев, Ж.Абдуллаев, З.Ғиёсов, Р.Нуруллоев, Х.Толибжонов, В.Шодиева, Ж.Саидмуродов, В.Коваль билан биргаликда етук мутахассислар сифатида танилган С.Қутбидинов, А.Мирҳабیبов, Б.Ўтабоев, Р.Муслимов, Б. Яқубов, С.Абрамовалар ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази жамоаси ўз олдига қўйилган вазифаларини бундан кейин ҳам муваффақият билан бажариб, мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшишга тайёр.

ФТМТМ ахборот Маркази



қайта қуриш ишларини олиб борди. 1996-2000 йилларда Япония ҳукуматининг «ОЕСФ-1» кредити асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларида телекоммуникация тизимини қайта қуриш ва ривожлантириш лойиҳаси ҳамда кейинчалик уни амалга ошириш бўйича тендер комиссияси ишида қатнашди.

"Давлат тили ҳақида"ги янги қонун қабул қилингандан сўнг Марказда меъёрий ҳужжатларни дав-

асосан, стандартлаштириш масалалари бўйича услубий, маслаҳат ёрдами, ахборот хизматларини кўрсатиш, стандартлаштириш масалалари бўйича ўқитиш каби вазифаларни амалга оширади. СТТда соҳанинг норматив ҳужжатлари базаси яратилган бўлиб, ўндан ҳозирги кунда Интернет тармоғи орқали фойдаланиш мумкин.

Маълумки, 1996 йил, 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Бугунги кунда республикада компьютер ва ахборот технологиялари, маълумотлар узатиш ҳамда Интернет хизматларини ривожлантириш мақсадида кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Зеро, соҳанинг тараққиёти ва замонавийлашувида тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси каттадир.

Президентимизнинг компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришни ривожлантириш ҳақидаги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда 2002—2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйи-

сатномаларга асосан ўтказилган текшириш ва ўрганишларда маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатувчи субъектлардан биттасида рухсат берилмаган технологиялардан фойдаланилиб келингани маълум бўлди ва бундай техник воситаларнинг

Айрим субъектлар лицензия келишувларига тегишли ўзгартиришлар киритмаган ёки умуман лицензия олмаган ҳолда Интернет-кафедрларда маълумотлар узатиш, шу жумладан, Интернет хизматлари кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Масалан, хўжалик юритувчи субъектларнинг 12тасида махсус рухсатномаларсиз Интернет хизматлари кўрсатилганлиги аниқланди. Бу сохта тадбиркорларнинг сири ўз вақтида очилди.

Ачинарлиси шундаки, текширувдан ўтказилган барча субъектларда иш жойлари соҳага оид қонун ва норматив-техник ҳужжатлар билан таъ-

Сохта тадбиркорларнинг сири очилди

ча дастурнинг бажарилишини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг тугган ўрни аниқ белгилаб олинди, улар учун имкон қадар имтиёзлар яратилмоқда.

Берилган имтиёзлар қисқа вақт ичида ўз самарасини бера бошлаганини маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш билан шуғулланаётганлар сонининг ўсишидан ҳам билса бўлади. Бугунги кунга келиб 400дан ортқ субъектлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан лицензия олиб ўз фаолиятларини юритишмоқда. Айниқса, сўнгги бир йил ичида соҳада тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирувчилар кескин кўпайди. Бунинг асосий сабабларидан бири — лицензиялаштириш жараёнининг осонлаштирилгани ва лицензия олиш учун топширилиши зарур бўлган ҳужжатлар сони камайтирилганидир. Афсуски, яратилган шароитлар ва берилган имтиёзларга қарамай камчиликларга йўл қўяётган хўжалик субъектлари ҳам аниқланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа ва берилган рух-

ишлатилиши тўхтатилди. Камчиликларнинг келиб чиқишига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси"нинг 152-модда, 1-бандига мувофиқ маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилди.

Учта хўжалик юритувчи субъектнинг лицензияси амал қилишини вақтинча тўхтатиш ёки қақиртириб олиш масаласини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Лицензия комиссиясига таклифлар киритилди.

Баъзи бир субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида" ва "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом" ва бошқа норматив ҳужжатлар талаблари бузилмоқда.

минланмаган. Бу эса уларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмасликка ва ўз навбатида қонун талаблари бузилишига олиб келмоқда.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган барча субъектлар Давлат алоқа инспекциясининг www.gis.uz сайти орқали янги ва қайта ишлаб чиқарилиб амалга киритилган норматив ҳужжатлар рўйхатлари билан танишишлари ҳамда бу борада тайёрланаётган лойиҳаларни ўрганиб чиқиб, ўзларининг таклифларини билдиришлари мумкин.

Барча оператор ва провайдерлар, шу жумладан, алоқа соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланаётган субъектлар юқорида билдириб ўтилган фикр-мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқариб оладилар деган умиддамиз.

Алишер ХУДОЁРОВ,
ДАИ Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими бошлиғи

ALOQA OLAMIDA



GOOGLEга "ХУЖУМ"

"Вашингтон Пост" газетасининг хабар беришича, Google, Yahoo, Lycos ва Alta-Vista сингари Интернет кидирув тизимларида жиддий носозликлар кузатилмоқда.

Масалан, Google беш соат давомида тўхтаб қолган ва уланишни хоҳловчилар ҳар гал "Сўралаётган сервис вақтинча берк" деган жавобни олишган. Google мутахассислари ҳодиса сабаблари ҳақида аниқ бир тўхтамага келиша олмапти. Шундай бўлсада, сўнгги пайларда кўплаб антивирус компаниялари томонидан тез-тез тилга олинаётган MyDoom.M чувалчанги вируси мана шу сингари кўнгилсизликлар айбдори деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

ЎЗИГА ХОС КИНЕСКОП

Samsung Electronics компанияси телевизион кинескопларни муқаммаллаштириш борасида кўпгина ютуқларни кўлга киритмоқда.



Яқинда компанияда диагоналли 82 см., қалинлиги 35 см. бўлган энг юққа кинескоп яратилди. Бунга қадар чиқарилган Samsungнинг худди шу диагоналдаги кинескоплари қалинлиги 50 см.га тенг эди. Янги маҳсулотта Vixim номи берилди ва 2005 йилдан оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланади. Ушбу кинескоп ўрнатилган телевизорнинг нархи 1 млн. Жанубий Корея вони (860 АҚШ доллари)га тенг.

SHARPнинг ЯНГИ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Япониянинг Sharp компанияси янги мобил телефонлари (V402SH)ни сотувга чиқарганини маълум қилди.



Янги маҳсулот ҳозирча Vodafone оператори билан тузилган шартнома асосида сотилгани боис унинг чакана баҳоси маълум эмас. Ушбу аппаратнинг афзаллиги — унга ўрнатилган телевизион қабул қилгич тасвирларни рангли, 2,2 дюймли дисплейда кўриш имконини беради. Кўришга қулайлик яратиш учун ушбу дисплейни 180 градусга қадар буриш мумкин. Телефон аппаратида, шунингдек, FM диапазонида ишловчи радио қабул қилгич ҳам ўрнатилган. Телефон эгаси телекўрсатувчи томоша қилаётганида ёки радио тинглаётганида ҳам кўнгирокларга жавоб бера олади. Now on Air функцияси эса қабул қилинаётган кўшиқ ва унинг ижрочиси номини аниқлаб беради. Ушбу аппаратга ўрнатилган микрофон эса бир пайтнинг ўзида антенна вазифини бажаради.

V402SHга юқоридагилардан ташқари рақамли фотокамера ҳамда барча сўнгги туркумдаги мобил телефонларида бўлгани сингари овоз ёзиб олиш қурилмаси — диктофон ўрнатилган.

Аппарат ўлчами — 50x27x98 мм., оғирлиги 131 грамм.

БУЮК БРИТАНИЯ — ЕТАКЧИ

Буюк Британияда бир ой давомида SMS-хабарлар жўнатилиши бўйича навбатдаги рекорд кўрсаткич қайд этилди.

2004 йилнинг июн ойида 2,1 млрд.дан ортқ хабарлар жўнатиildi, ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 1,51 млрд.тани ташкил этганди. 2003 йил давомида эса Буюк Британияда 20,5 млрд. атрофида SMS-хабарлар жўнатиилган. Июн ойидаги юқори кўрсаткич сабабини мутахассислар Glastonbury мусиқа фестивали ва футбол бўйича Европа чемпионати ўтказилиши билан боғлашмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Sarkor Telecom
Internet service provider

**ТВОЙ
ПРОВАЙДЕР!**

132-0000

WWW.SARKOR.COM



ДУШАНБА, 2

“Ўзбекистон” телеканали TV I

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлитомон» 8.45 ТВ-маркет 8.50 «Кусто командасининг сув ости саргушларини»... 11.30 «Саринго» рақс ансамблининг концертлари...

“Ешлар” телеканали TV II

16.30 Кўрсатувлар дастури. 16.35 “Дар” ҳафта режис. 17.05 “Янги алавл” студияси. 17.25 Ёшлар овози. 17.45 Қўбша юрт оваллари...

“Тошкент” телеканали TV III

17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.05 “Янги алавл” студияси. 17.25 Ёшлар куллагина. 17.45 Таин. 18.05 “Кўн” тун усти. 18.25 “Сун - ҳаёт маънаи”...

SPORT телеканали TV IV

7.30 “Хабарлар”. 7.45 “Барам бўлинг”. Тонгги дам олиш дастури. 8.45 “Хабарлар” (Рус тилида). 9.00 “Спорт клуб”...

OPT

5.00 Телеканал “Доброе утро”. 8.00 Навоисти. 8.05 Острожский фильм “Хазина чегараси”...

PTP

2.00 “Доброе утро, Россия!”. 5.45 Комедия “Огоньки за привидениями”...

HTB

5.00 УТРО НА НТВ 7.50 ВЕСТИ. ДЕТСКАЯ ЧАСТЬ. 8.00 ВЕСТИ. 8.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА...

СЕШАНБА, 3

“Ўзбекистон” телеканали TV I

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Алборот» 8.40 Гаулетлар шарҳи. 9.00 «Кусто командасининг сув ости саргушларини»...

“Ешлар” телеканали TV II

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 “Мунаввар тон”. Информационки-дан олиш дастури. 7.30 “Янги алавл” студияси...

“Тошкент” телеканали TV III

17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.05 “Янги алавл” студияси. 17.25 Ёшлар куллагина. 17.45 Таин. 18.05 “Кўн” тун усти...

SPORT телеканали TV IV

7.30 “Хабарлар”. 7.45 “Барам бўлинг”. Тонгги дам олиш дастури. 8.45 “Хабарлар” (Рус тилида)...

OPT

5.00 Телеканал “Доброе утро”. 8.00 Навоисти. 8.05 “Улицы рабочих фонарей”...

PTP

2.00 “Доброе утро, Россия!”. 5.45 Телеканал “Белая Ночь”. 6.45 Серия “Камеяная-2”...

HTB

5.00 УТРО НА НТВ 7.50 ВЕСТИ. ДЕТСКАЯ ЧАСТЬ. 8.00 ВЕСТИ. 8.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА...

ЧОРШАНБА, 4

“Ўзбекистон” телеканали TV I

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Алборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Гаулетлар шарҳи...

“Ешлар” телеканали TV II

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 “Мунаввар тон”. Информационки-дан олиш дастури. 7.30 “Янги алавл” студияси...

“Тошкент” телеканали TV III

17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.05 “Янги алавл” студияси. 17.25 “Сарвадига хазина”. Мултифилм...

SPORT телеканали TV IV

7.30 “Хабарлар”. 7.45 “Барам бўлинг”. Тонгги дам олиш дастури. 8.45 “Хабарлар” (Рус тилида)...

OPT

5.00 Телеканал “Доброе утро”. 8.00 Навоисти. 8.05 “Улицы рабочих фонарей”...

PTP

2.00 “Доброе утро, Россия!”. 5.45 Телеканал “Белая Ночь”. 6.45 Серия “Камеяная-2”...

HTB

5.00 УТРО НА НТВ 7.50 ВЕСТИ. ДЕТСКАЯ ЧАСТЬ. 8.00 ВЕСТИ. 8.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА...

ПАЙШАНБА, 5

“Ўзбекистон” телеканали TV I

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Алборот» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Гаулетлар шарҳи...

“Ешлар” телеканали TV II

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 “Мунаввар тон”. Информационки-дан олиш дастури. 7.30 “Янги алавл” студияси...

“Тошкент” телеканали TV III

17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.05 “Янги алавл” студияси. 17.25 “Сарвадига хазина”. Мултифилм...

SPORT телеканали TV IV

7.30 “Хабарлар”. 7.45 “Барам бўлинг”. Тонгги дам олиш дастури. 8.45 “Хабарлар” (Рус тилида)...

OPT

5.00 Телеканал “Доброе утро”. 8.00 Навоисти. 8.05 “Улицы рабочих фонарей”...

PTP

2.00 “Доброе утро, Россия!”. 5.45 Телеканал “Белая Ночь”. 6.45 Серия “Камеяная-2”...

HTB

5.00 УТРО НА НТВ 7.50 ВЕСТИ. ДЕТСКАЯ ЧАСТЬ. 8.00 ВЕСТИ. 8.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА...

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 2 — 8 август учун TVI, TVII, TVIII, TV IV, OPT, RTP, NTB

историю
11:05 Новости
11:05 Детектив "Вербошик"
13:00 Сернал "Женщины в любви"

21:40 "Человек и закон"
22:30 Узурная сила. "Стратегический резерв"
23:00 "Место действия - Россия". "Ястребы Нижегородского аэропорта"

2:00 "Доброе утро, Россия II"
5:45 Телесернал "Белая Ночь".
6:45 Сернал "Каменская-2. Узурденный сон".

11:00 ВЕСТИ.
11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:30 "Исторические хроники" с Николаем Свиридовым. "1918. Троицкий".

ВЕСТИ-МОСКВА.
17:55 Сернал "Каменская-2. Узурденный сон".
19:05 Детектив "Марш Турецкого-2. Заговор генералов". Часть 2-я.

0:35 Канал "Евроноос" на русском языке.
1:45 ВЕСТИ. ДЕКУРНАЯ ЧАСТЬ.
НТВ
5:00 УТРО НА НТВ

"ПАРОЛЬ ЗНАЛИ ДВОЕ"
13:20 "ВРЕМЯ ЕСТЬ"
14:30 "ПРОТОКОЛ"
14:35 "СЕГОДНЯ"
14:35 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО"

ЖУМА, 6

"Узбекистон" телеканалы TV I
6:00 "Ассалом, Узбекистон". 8:00-8:35 "Алборот".
8:35, 17:55 ТВ-маркет.
8:40 Газетлар шарҳи. Болалар сайёраси:

Кодиров.
22:00 "Тарих кузгуси".
22:25 "Узбекистон" телеканалдалик маротаба:
"Матлаб". Бадий фильм. 1-қисм.

18:05 Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йилгига оидлан. "Бутунгич киналар".
18:25 Аскар мактублари.
18:45 ТВ-афиша.
18:50 Муғто нолавор.

11:00 ВЕСТИ.
11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:30 "Исторические хроники" с Николаем Свиридовым. "1918. Троицкий".

ВЕСТИ-МОСКВА.
17:55 Сернал "Каменская-2. Узурденный сон".
19:05 Детектив "Марш Турецкого-2. Заговор генералов". Часть 2-я.

0:35 Канал "Евроноос" на русском языке.
1:45 ВЕСТИ. ДЕКУРНАЯ ЧАСТЬ.
НТВ
5:00 УТРО НА НТВ

"ПАРОЛЬ ЗНАЛИ ДВОЕ"
13:20 "ВРЕМЯ ЕСТЬ"
14:30 "ПРОТОКОЛ"
14:35 "СЕГОДНЯ"
14:35 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО"

ШАНБА, 7

"Узбекистон" телеканалы TV I
6:00 "Ассалом, Узбекистон". 8:00-8:35 "Алборот".
8:35 "Каналда". Болалар учун кинодастур:

20:00 Оқдам эрталари.
20:15 FCN "Узбекистон англисчани" (инглиз тилида)
20:30 "Алборот".
21:50 "Узбекистон" телеканалдалик маротаба:

18:25 Дунё ақойиботлари.
18:35 Катталар.
18:45 ТВ-афиша.
18:50 Муғто нолавор.
18:55, 21:55 Иқлим.
19:30 "Давр" - репортаж.

11:00 ВЕСТИ.
11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:30 "Исторические хроники" с Николаем Свиридовым. "1918. Троицкий".

ВЕСТИ-МОСКВА.
17:55 Сернал "Каменская-2. Узурденный сон".
19:05 Детектив "Марш Турецкого-2. Заговор генералов". Часть 2-я.

0:35 Канал "Евроноос" на русском языке.
1:45 ВЕСТИ. ДЕКУРНАЯ ЧАСТЬ.
НТВ
5:00 УТРО НА НТВ

"ПАРОЛЬ ЗНАЛИ ДВОЕ"
13:20 "ВРЕМЯ ЕСТЬ"
14:30 "ПРОТОКОЛ"
14:35 "СЕГОДНЯ"
14:35 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО"

ЯКШАНБА, 8

"Узбекистон" телеканалы TV I
6:00 "Ассалом, Узбекистон". 8:00-8:35 "Алборот".
8:35 "Каналда". Болалар учун кинодастур:

22:15 "Оттин сур изидан". Бадий фильм.
00:40-00:45 Ватан тинсоллари.
"Ешлар" телеканалы TV II
6:55 Курсувалар дастури.

18:05 Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йилгига оидлан. "Одам эрсани".
12:55 ТВ-кин.
13:00 "Куз эртани". Телесернал.
14:05, 16:15 ТВ-кин.
14:15 "Оттар сун - ақингиз куйин".

11:00 ВЕСТИ.
11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:30 "Исторические хроники" с Николаем Свиридовым. "1918. Троицкий".

ВЕСТИ-МОСКВА.
17:55 Сернал "Каменская-2. Узурденный сон".
19:05 Детектив "Марш Турецкого-2. Заговор генералов". Часть 2-я.

0:35 Канал "Евроноос" на русском языке.
1:45 ВЕСТИ. ДЕКУРНАЯ ЧАСТЬ.
НТВ
5:00 УТРО НА НТВ

"ПАРОЛЬ ЗНАЛИ ДВОЕ"
13:20 "ВРЕМЯ ЕСТЬ"
14:30 "ПРОТОКОЛ"
14:35 "СЕГОДНЯ"
14:35 Ток-шоу "ПРИНЦИП ДОМИНО"

IQTISODIY SAVODXONLIK

ИҚТИСОДИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

Рационаллаштириш (*rationalization, rationalization*) — Ишлаб чиқариш жараёнида ишчиларнинг рақобатини, мукаммаллаштирадиган ва арзонлаштирадиган тадбирлар йиғиндиси.

Рақобат (*конкуренция, competition*) — Ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар ўртасида товар сотиш бўйича ўзаро иқтисодий таъсир этиш, ўзаро боғлиқ ва кураш жараёнлари. Баҳони пасайтиришга асосланган баҳони рақобат ва маҳсулотнинг сифатини такомиллаштириш ҳамда уни сотиш шартларига асосланган баҳосиз рақобат мавжуд.

Рақобатга қарши амалиёт (*антиконкурентная практика, anticompetitive practice*) — Монополияларнинг бозорда ҳукмронлик қилиш йўли билан бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг унга киришини чегараловчи, нарх-навога ўзи баҳо қўйиш ва тижоратчилик фаолиятининг бошқа шартларини чеклайдиган рақобатчилик кураши меъёрларини бузиш.

Реал иш ҳақи (*реальная заработная плата, nominal wages, real wages*) — Реал, ҳақиқий иш ҳақи. Ҳуқуқнинг ҳақиқий меҳнати учун олган ҳақи; моддий бойликлари ва хизматлар акс этган иш ҳақи. Р.и.х. номинал иш ҳақи микдори, баҳо даражаси, хизматлар ва олинмаган солиқлар микдори билан аниқланади.

Регламент (*reglament, order*) — Маҳлисини олиб бориш тартиби, иш тартиби, иш қоидаси.

Резерв валютаси (*резервная валюта, reserve currency*) — 1) Давлат хазинаси ва марказий банкка тегишли бўлган мамлакат қўйма ва танга олинлар; хоризх валюта маблағлари; халқаро ҳисоблар учун жамғариб, сақлаб қўйдиган валютаси; 2) ривожланган давлатларнинг халқаро ҳисоблар олиб бориш учун фойдаланиладиган миллий ва кредит пуллари.

Реклама (*реклама, advertisement, publi-city, reclame*) — 1) Янги товар, унинг ўзига хос белгилари, хизматлари тўғрисидаги маълумот; 2) оммавий ахборот воситасида тижорат фаолияти (товар ва гоғларни эълон қилиш).

Рента (*рента, rent*) — Ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга бе-

ришдан оладиган пул маблағлари. Қўшимча маҳсулотнинг бир қисми сифатида ер эгалари томонидан ўзлаштирилади. Монополь, дифференциал ва абсолют ренталар мавжуд.

Рентабельлик (*рентабельность, efficiency*) — Корхона хўжалик фаолиятининг бир кўрсаткичи, маълум бир давр давомида корхона фаолияти фойдалилиги (зарар қўриб ишлаш)ни характерлаб беради. Маҳсулотни сотишдан келадиган фойданинг шу маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига нисбати.

Ресурслар (*ресурсы, reserve; resource; resources*) — 1) Ресурс, имконият, бойлик манбаи; восита, чора, илоҳ. Масалан, иқтисодий, молиявий ресурслар; 2) умуман олганда фундаментал иқтисодий назария тушунчаси бўлиб, ишлаб чиқаришни таъминлайдиган омил ва воситаларни билдиради. Иқтисодий ресурслар қуйидагиларни ўз ичига олади: табиий (қошмаёвий, геофизик), меҳнат (инсон капитал), капитал, муомала воситалари, ахборот ва молиявий ресурслар.

Ривожланиш банки (*Банк развития, Development Bank*) — Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа тармоқларни узоқ муддатли кредит билан таъминлаш ишлари билан шуғулланувчи махсус давлат ва ярим давлат (хусусийлари камрок) инвестиция институтлари. Миллий бозорлар фаолият кўрсатадиган мамлакатларда ривожланиш банклари ҳам фонд биржасида, ҳам ундан ташқарида қимматли қозғалар олди-сотдисини амалга оширади. Ривожланиш банклари тижорат банкларидан фарқи ўлароқ ҳисобкитоб ва тўлов операцияларни амалга оширилмайдиган омонатчилар ва корхоналардан депозит олмайдилар, қисқа муддатли кредитлар бермайдилар.

Ривожланишнинг экстенсив йўли (*путь экстенсивного развития, extensive development way*) — Интенсив ривожланишдан фарқи шундаки, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳажминини кўпайтириш, экин майдонини кенгайтириш, хом ашё микдорини кўпайтириш, янги ишчиларни ёллаш йўли билан амалга оширилади.

(Давоми бор.)

SPORT, SPORT, SPORT



AFC ASIAN CUP 亚洲杯 CHINA 2004



ЎЗБЕКИСТОН – ЧОРАК ФИНАЛДА

Хитойда давом этаётган Осиё чемпионатида гуруҳ ўйинлари якунланди. Унда иштирок этаётган мамлакатимиз миллий терма жамоаси учта ўйинда ҳам юз фоизлик натижага эришган ягона жамоа бўлди.



Иккинчи турда вакилларимиз мусобақа голиблигига асосий даъвогарлардан бири деб ҳисобланаётган Саудия Арабистони терма жамоаси билан баҳс олиб боришди. Учрашув икки томоннинг ҳам шиддатли ҳужумлари билан бошланди. Кўпроқ имконият ҳосил қилишган футболчиларимиз охирига ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Рақиблар жарима майдончаси яқинида икки араб футболчисини доғда қолдирган А. Гейнрих 25 метрлардан қучли зарба берди. Аниқ йўлланган зарба араблар дарвозасининг ўнг бурчагидан жой олди. Шундан сўнг, вакилларимиз ҳимояда ажойиб ўйин кўрсатишиб, ушбу ҳисобни сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. Ўзбекистон терма жамоаси биринчи бўлиб муддатидан аввал чорак финалга йўл олди.

Ўзбекистон – Саудия Арабистони – 1:0
Гол: Александр Гейнрих, 13.

Туркменистон терма жамоаси иккинчи турда ироқликларга сўнгги дақиқаларда имкониятни бой бериб, қўйин аҳволга тушиб қолди.

Туркменистон – Ироқ – 2:3
Голлар: Владимир Байрамов, 14; Бегенмухаммад Қулиев, 85 – Ҳавар Мухаммад, 11; Раззоқ Фарҳан, 81; Қусай Мунир, 88.

“С” гуруҳининг сўнгги турида терма жамоамиз туркманларга қарши ўзининг деярли иккинчи таркиби билан ҳаракат қилди. Шундай бўлсада, учрашув ҳаюмрларимиз устунигида ўтди. Ҳужумларда гол иштирок этган Марат Бикмаев, Илёс Зейтуллаев



ва Леонид Кошелевлар бир неча бор қулай имкониятга эга бўлишди. Учрашувнинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда Илёс Зейтуллаев ўрнига майдонга тушган Миржалол Қосимов яна бир бор жарима тўпини ажойиб тарзда амалга ошириб, ўчинчи учрашувда ҳам 1:0 ҳисоби қайд этилишини таъминлади.

Туркменистон – Ўзбекистон – 0:1
Гол: Миржалол Қосимов, 58.

Ироқ ва Саудия Арабистони ўртасидаги учрашув гуруҳнинг иккинчи жамоасини аниқлаб бериши лозим эди. Ҳар иккала жамоада ҳам имконият мавжудлиги сабабли баҳс шиддатли тарзда кечди. Ўйин мувозанатини ўзларига оғдир олган ироқликлар уч карра Осиё чемпионини мусобақадан чиқариб юборди.

Ироқ – Саудия Арабистони – 2:1
Голлар: Нашат Акрам, 51; Юнус Маҳмуд, 86 – Ҳамад ал Мунташири, 57.

Қолган гуруҳларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

“А” гуруҳи
Баҳрайн – Катар – 1:1
Голлар: Мухаммад Хубайл, 90 – Весама Ризк, 58 (пен.)

Индонезия – Хитой – 0:5
Голлар: Шао Жиайи, 24; Хао Хайдонг, 39; Ли Минг, 51; Шао Жиайи, 65; Ли Йи, 80.

Хитой – Катар – 1:0
Гол: Су Юнлунг, 78.
Баҳрайн – Индонезия – 3:1
Голлар: Хусайн Али, 43; Аъла Хубайл, 57; Талал Юсуф, 82 – Элие Айбой, 75.

“В” гуруҳи
Иордания – Кувайт – 2:0
Голлар: Халид Саид, 90; Анас ал Збун, 90.

БАА – Жанубий Корея – 0:2
Голлар: Ли Донг Гук, 41; Ан Жун Хван, 90.
Иордания – БАА – 0:0
Жанубий Корея – Кувайт – 4:0
Голлар: Ли Донг Гук, 25; Ли Донг Гук, 41; Ча Ду Ри, 45; Ан Жун Хван, 90.

“D” гуруҳи
Уммон – Эрон – 2:2
Голлар: Эмад Али, 32; Эмад Али, 41 – Али Карими, 62; Мухаммад Нусрати, 90

Таиланд – Япония – 1:4
Голлар: Суте Суксомкит, 11 – Накамура, 21; Наказава, 56; Фукуниши, 68; Наказава, 87.
Уммон – Таиланд – 2:0
Голлар: Рангсан Виватчаичок, 11 (авт. гол); Эмад Али, 49.
Япония – Эрон – 0:0

Демак, чорак финал жуфтликлари билан таъиннинг.
Ўзбекистон – Баҳрайн
Хитой – Ироқ
Япония – Иордания
Жанубий Корея – Эрон

Гуруҳ баҳсларида Саудия Арабистони терма жамоасидан тўрт йил аввалги мағлубият аламини олишга эришдик. Энди навбат Японияга. Бирок бунинг учун бугун Баҳрайн терма жамоасини мағлубиятга учратишимиз лозим. Ушбу баҳсларда ҳамюртларимизга муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси томонидан таъсис этилган мини-футбол бўйича кўчма кубок мусобақалари беш йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Шу кунгача қуйидаги жамоалар Кўчма Кубок соҳиби бўлишган:
2000 йил – “Алоқабанк”,
2001 йил – “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали,
2002 йил – “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали,
2003 йил – Тошкент ахборот технологиялари университети.

Бу йилги баҳслар ҳам ҳудудий тарзда республика миқёсида ўтказилмоқда. Андижон шаҳрида мезбонлар билан бирга Наманган ва Фарғона алоқа

КЎЧМА КУБОК БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

корхоналари жамоалари, Самарқанд шаҳрида майдон эгалари ҳамда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари жамоалари, Навоийда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари жамоалари, пойтахтда Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари жамоалари ўзаро баҳс олиб борадилар. Ҳудудий мусобақалар голиблари (4 жамоа) Тошкент шаҳрида сентябр ойида бўлиб ўтадиган чорак финал ўйинларига йўлланмани қўлга киритишади.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар алоқа корхона ва ташкилотлари жамоалари ҳам чорак финалга чиқиш учун кураш олиб борадилар. Мусобақада 16 жамоа иштирок этмоқда. Жамоалар қўра ташлаш йўли билан тўрт гуруҳга бўлинган.

“А” гуруҳи
Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)

“Тошкент телеграф-телефон станцияси” (ТТТС)
“Матбуот тарқатувчи” АК
DHL курьерлик хизмати

“В” гуруҳи
“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали (ТШТТ)
Республика махсус алоқа тармоғи (РМАТ)

ТШТТ нинг Ахборот ҳисоблаш маркази (АХМ)
“ДЭУ Юнител” компанияси

“С” гуруҳи
“Ўздунробита” КК
Радиотелевидение узатиш маркази (РТУМ)

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (МАТБ)
“Коском” компанияси

“Д” гуруҳи
Давлат фелдъегерлик хизмати (ДФХ)
“Ўзбекистон почтаси” ДАК
“Тошкент Телеком” филиали
Давлат алоқа инспекцияси (ДАИ)

Яқинда ўтказилган биринчи тур баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди:
ТТТС – “ИТ” АК – 4:4
РМАТ – АХМ – 7:2
DHL – ТАТУ – 3 : 6
РТУМ – МАТБ – 3:10
“Ўздунробита” – “Коском” – 8:1
ТШТТ – “ДЭУ Юнител” – 9:1
“Ўзбекистон почтаси” ДАК – “Тошкент Телеком” – 4:13
ДФХ – ДАИ – 8:4.

Ўз мухбиримиз

TURMUSH CHORRAHALARIDA

ALOQACHILAR IJODIDAN

Оху фироқ ёши душманга ҳам раво кўрилмайд...

қўзимга. Миямда чарх ураётган беҳисоб ўй-фикрлар гирдобидан...

ЎЗБЕК РУСТАМИ

Рассом эмас, лекин асар яратди. Санъатчимас, элга номин таратди...

Миржалолу, Азамати зарбасидан, Тўплар, дарбозалар таранг...

Артурлару, Чагаевдек мардона, Теннисда Ирода ёлғиз дурдона...

Кўз-кўз қилса дунёга арзир, Руфатининг ётқан гулхани...

Зукко Гарри, Карповлардан, Қолишма, юртим ўктами...



Матлуба НАСРИДДИНОВА

BU - QIZIQ!

АХМОҚОНА РЕКОРДЛАР СОҲИБИ

Гиннеснинг Рекордлар китоби яна бир натижа билан бойланди...



Рекордни янгилашни хоҳловчилар учун (бунга аҳд қиладиган топилиши амримахол) осон бўлмаслиги аниқ...

шидадир. Унинг айтишича, қисқичлар олиб ташланганидан сўнг ҳам яна бир неча соат қаттиқ оғриққа дош беришга тўғри келади...

ОТА ЎГИЛ



Хитойлик Ли Тао исмли ошпаз янги рекорд ўрнатди. У бир килограмм ундан 2097152 дона, умумий узунлиги 2852 километрлик лағмон ясади.

Ли Тао томонидан чўзилган лағмон жуда ҳам ингичка: игна тешигидан бир йўла уларнинг 18тасини ўтказиш мумкин...

Ли Тао 1978 йили Хитойнинг Цзянсу провинциясида туғилган. Унинг отаси Ли Сихай ҳам лағмон тайёрлаш бўйича уч мартаба рекорд ўрнатган.

Табриклаймиз!

"Анджон Телеком" филиали ба вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Асака телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Қодир ҲАКИМОВНИ муборак 60 ёши билан қизини қутлайди...

"Хоразм Телеком" филиали Хонқа телекоммуникациялар боғламаси жамоаси АОН муҳандиси Ҳакимовни ОТАХОНОВНИ 55 ёшига тўлиши муборакати билан табриклайди...

Муроджон БОТИРОВ

... Отанинг қазосидан кейин ҳайҳотдек ҳовли хувиллаб қолди. Уйдан фойз кетди, барака кўтарилди...

Маҳалла оқсоқоли Турдимат аканинг бу аянчли ҳикоясини эшитиб, кўнглим гаш бўлди.

ҚИСМАТ (Бўлган воқеа)

— Ҳаммасидан хабардорман, — деди Рустам ака. — Бу ерда яшаётганларнинг тақдирлари бир-бирига ўхшаш...

— Болаларингизни соғинасизми? — сўрайман аянинг кўнглига қўл солиб.

— Нафиса ая шундай дея уф тортди-да, хайр-маъзурни ҳам унутиб, хонадан чиқди.

— Бояқш ҳар кунни ҳовлига чиқиб, болаларининг йўлига кўзи тўрт бўлиб, термулиб хаёб суриб ўтиради.

Рустам ака яна нимадир дедимокқа чоғланди-ю, лекин гапи бэзғида қолди.

Фикримни эшикнинг бейҳшов овози бўлди. Олдиндан келишувимизга кўра, Рустам ака мен ўтирган хонага Нафиса аяни бошлаб кирди.

— Аввало беодоблик қилиб ярангизни янгиллаганим учун кечирасиз, — дедим ҳамроҳимнинг сўлгин юзига, губорли кўзларига боқарканман.

Орага чуқур сукунат чўкди. Шундоқ ҳам вайрона кўнглига шикаст етказаятганимни аңглаб турардим.

— Нафиса ая, — деди маҳалла оқсоқоли Турдимат ака, — биз маҳалла фаоллари маслаҳатлашиб бир қарорга келдик.

— Гапир, болам, яхши гапми, ишқилиб, — ая бемажол қўлларига таяниб, оқсоқол томон бурилди.

— Гап шундаки, — оқсоқол бирор омонат сўз айтгандай теварак-атрофга қараб олди, — сиз одамлар ичиде яшасангиз. Иссиқ-совуғингиздан хабар олиб туришарсиз.

Нафиса аянинг вужуди сесканиб кетди. Бир нима дедимокқа шайланди-ю, фикридан қайтди.

— Ҳа, — деди Нафиса ая базўр. — Тирсақ яқин бўлса ҳам, тишлаб бўлмас экан...

Нафиса аянинг кўнгли тўқ эди. Фарзандларига очик юз, ширинсўз бўлди, ўқитди, хунарли қилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Орифжон МУХАММАДЖОНОВ (Бош муҳаррир) Шовиқмур ОВНАХУҲҲАЕВ Мироди САҒИЙЛОВ Дурфалло ТУРСУНОВ (масъул котиб) Раҳмонжон ТУРДУНОВ Алишер ХУҲАЕВ Асрор ЭПОНХУҲҲАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Содиқжон ҚОСИМОВ

Таҳриратта келган қўёзма ва суратлар эгарларга қайтарибмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳриратта фикрдан фарқлангани мумкин. Наширидан кўчириб босилганда "Хабар"дан азиянлангани кўрсатилгани шарт. Таҳрирот материал — 0. Режама матналарининг тўғричилиги таҳриратта жавобгар эмас.

Манъазилма: 700660, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 133-36-48, 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz. Нашр кўрсаткичи — 227, 228. Жума кунлари чиқадан.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манъазил: Тошкент шаҳри. "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

866-G соғли буортма. Офсет усулда босилди. Қоғоз бачмили А-3, ҳажми 2 босма табок, Аладди 5932 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БҮРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета таҳриратта компютер базасида терияди ва саҳифаланди.

Босинга топширилди — 20.00. Босинга топширилгани вақти — 20.00.